

Шоумаров Ғайрат Баҳромович,
Профи университети ректори,
психология фанлари доктори, академик

Қодиров Умарали Дўстқобилович,
Сурхондарё вилояти педагогларни янги
методикаларга ўргатиш миллий
маркази директори,
психология фанлари доктори, профессор

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада Миллий гвардия ҳарбий қисм ва муассасаларида психологик хизмат фаолиятини самарали ва сифатли таъминлаш этичининг айрим жиҳатлари, Миллий гвардия тизимида психологик хизматнинг ривожланишига доир муаммолар ва ечимлар ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** Миллий гвардия, психологик хизмат, психологик тайёргарлик, психологик муҳит, методик ёрдам, муаммо, ечимлар.*

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ В СИСТЕМЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются некоторые аспекты эффективной и качественной организации деятельности психологической службы в воинских частях и учреждениях Национальной гвардии, проблемы и пути их решения, связанные с развитием психологической службы в системе Национальной гвардии.*

***Ключевые слова:** Национальная гвардия, психологическая служба, психологическая подготовка, психологическая среда, методическое обеспечение, проблема, пути решения.*

SOME ASPECTS OF PSYCHOLOGICAL SERVICE IN THE NATIONAL GUARD SYSTEM

***Abstract.** This article discusses some aspects of the effective and high-quality organization of psychological service activities in the military units and institutions of the National Guard, problems and solutions related to the development of psychological service in the National Guard system.*

***Key words:** National Guard, psychological service, psychological preparation, psychological environment, methodological support, problem, solutions.*

Маълумки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши аввало, ҳар бир мутахассис, шахсда ўзига хос психологик билим ва салоҳият қай даражада намоён этилаётганлиги билан ҳам белгиланади. Шу боис ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ва бундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўллари излашга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Айни нуктаи назардан, ҳар бир мамлакатда инсон ва унинг ижтимоий муносабатлари ўртасида уйғунликни таъминлашга қаратилган психологик хизмат тизимининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги глобаллашув шароитида амалий психологиянинг шиддат билан ривожланиши жараёнида психологик хизмат турли тизимларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан юзага келган, алоҳида ва ўта муҳим вазифаларга эга, бошқа ҳарбий кўшин турларига нисбатан энг ёш, шаклланаётган, шу сабабли ҳам ҳар томонлама изланиш босқичида бўлган, Ўзбекистон мустақиллигини сақлашда катта аҳамият касб этадиган, жамиятдаги ичдан “чириш”, аниқроғи

айрим ёвуз ниятли кучлар таъсирида “ичдан чиритиш” каби ижтимоий-ғоявий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ҳарбий бузғунчи ҳодиса, бетартибликларни ўз вақтида олдини олиш, Ватанамиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш вазифасини бажарадиган тизим, тузилмадир.

Ўзга ҳарбий қўшинлар, куч тузилмалари орасида энг кейинда ташкил этилганлиги ва олдида турган вазифаларнинг янгилигини, ўзга давлатлардан тайёр тажриба, “қолип”, “нусха” кўчириш имконияти деярли йўқлигини ҳисобга олсак, Миллий гвардия кўшини тўлиқ шаклланиб, мукамал, бенуқсон, идеалга яқин ҳолатга келгунча бир қатор муаммоларга дуч келиши, қийинчиликларни бошдан кечириши муқаррардир. Шу сабабли муайян муаммоларнинг Миллий гвардия зобит ва аскарлари хизмат вазифасини бажаришга салбий таъсирини минимум даражага тушириш лозим.

Бунда Миллий гвардия ходимининг тегишли психологик тайёргарлиги ушбу қийинчиликларни осон енгишга, ходимнинг саломатлиги ҳамда оиласининг тинчлиги, мустаҳкамлиги таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги омиллар илмий муҳокама, тадқиқ қилинаётган муаммонинг Ўзбекистон мустақиллиги, Ватан равнақи, халқимизнинг ҳаёти фаровонлиги, бахти, тинчлиги учун нақадар долзарблигини ифода этади.

Миллий гвардия тизимларида, жумладан, соҳанинг таълим муассасаларида психологик таъминлаш ишларини ташкил этишнинг долзарб масалалари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

биринчи ва энг муҳим масала – турли вазифалардан келиб чиқиб, Миллий гвардия қўшинлари таркибига номзодлар қай даража тўғри танланаётганлиги, шахсни ўрганишга нисбатан қўлланилаётган мезонлар уларнинг амалий фаолиятини самарали бажаришига қай даражада мослигини аниқлаш. Курсант ўқишни битиргандан сўнг 4-5 йил хизмат қилмасдан, айтайлик, саломатлигини баҳона қилиб, тизимдан четлашса, давлат ва қўшинлар маълум жиҳатдан зиён кўради.

Демак, биринчи энг муҳим вазифа Жамоат хавфсизлиги университетига курсант, талаба танлашда психологик синовни янада такомиллаштириш ҳисобланади.

Иккинчи муҳим масала – Миллий гвардия ходимининг оиладаги тинчлиги, оиласида соғлом психологик муҳит мавжудлиги. Психологик муҳит қуйидагилар билан белгиланади:

- ойлик маоши;
- ҳарбий хизматчининг яшаш шароити;
- турмуш ўртоғини тўғри танлаши;
- фарзандлари таълим оладиган мактаб рейтинги;
- эр-хотин шахсидаги индивидуал-психологик хусусиятлар.

Учинчи масала қайсидир ёш оилага муаммо бўлса, бошқа оилалар учун муаммо саналмайдиган турли ҳолатлардир (масалан, тажрибасиз, ёш оила бекасининг ёнида ёрдам, маслаҳат берадиган онаси, қайнонаси бўлмаслиги мумкин ва ҳ.к.).

Тўртинчи муаммо – яшаш шароитларининг кескин ўзгариши натижасида айрим курсантларда психологик, физиологик дискомфорт юзага келиши. Мисол учун, Жамоат хавфсизлиги университетига ўқишга кирган ёш йигит умрида биринчи маротаба ота-она, оиласидан узокда бўлганлиги учун ўзини мусофир сифатида ҳис этади. Эркин ҳаёт йўқлиги, қаттиқ ҳарбий режимда яшаши, характерида киришувчанлик хусусиятлари етишмаслиги сабабли курсантлар ичида дўст тополмайди, натижада қаттиқ сиқилади.

Бешинчидан, Миллий гвардия хизматининг ўзига хос жиҳатларини етарли даражада ўзлаштирмаган, спецификасини яхши англамаган курсант ёки университетни энди битирган ёш лейтенантни баъзан экстремал вазиятларга, дейлик, орасида тажовузкор, қуролланган шахслар мавжуд бўлган, деструктив хатти-ҳаракатларни амалга ошираётган оломонга қарши тўполонни бостириш учун ташлашлари мумкин. Бундай вазиятларда тажрибасиз ходим ёки ёш офицернинг эсанкираб, бир қатор хатоликларга йўл қўйиши натижасида ўзи ёки қўл остидагилари бевақт ҳаётдан кўз юмишлари эҳтимоли бўлади.

Олтинчидан, Миллий гвардия курсантлари ностандарт, қутилмаган, экстремал вазиятларда ўзини йўқотмаслиги ва шундай ҳолатларда нималарга эътибор бериш кераклиги учун уларни ҳужжатли, воқеаларга асосланган видеофильмлар орқали касбий қуроллантириш лозим. Фарғона, Бўка, Андижон, Қорақалпоғистон воқеаларида олинган видеохроника

маълумотлари мавжуд. Миллий гвардияни ҳақиқий профессионаллар жамоаси қилишда ушбу материаллардан самарали фойдаланиш, жараёнларда йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш, таҳлил қилиш ва келажакда юз бериши мумкин бўлган эҳтимолий жараёнларда айна хатоларни такрорламаслик лозим.

Егтинчидан, Миллий гвардиянинг худудлардаги бўлинмаларида ҳамда уларга тегишли таълим муассасаларида психологик хизмат етарли ташкил этилмаганлиги сабабли бу масалага эътиборни янада кучайтириш керак.

Юқоридаги муаммоларнинг ечимлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Психологик хизмат Жамоат хавфсизлиги университетининг ўзида ёки Миллий гвардия ҳарбий қисмларида ташкил этилиб, имкони борича ҳарбий хизмат спецификасини бошдан кечирган тажрибали психологлар томонидан ташкиллаштирилиши зарур.

2. Миллий гвардия қўшинларидаги психологлар ҳар йили қисқа муддатли малака ошириш курсларидан Жамоат хавфсизлиги университетининг ўзида ўтиши лозим. Ушбу малака ошириш курсларига кучли психологлар, шу билан бирга, катта тажрибага эга бўлган амалиётчи психологларни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўқув режа ҳам оригинал, асосий, тегишли жиҳатларни қамраб олган ҳолда тузилиши, маърузалар юқорида қайд этилгани каби Жамоат хавфсизлиги университети кафедраси доирасидан ташқарига чиқиши зарур.

3. Республикадаги тажрибали психологларнинг телефон рақамларини ўзларининг розилиги билан тизимдаги амалиётчи психологларга тарқатиш керак. Миллий гвардия психологлари зарур бўлганда психолог мутахассислардан телефонда методик ёрдам олишини ташкил этиш керак.

Яхши амалий методик ёрдам берган психологларни йилига икки марта рағбатлантириш яхши натижалар беради.

4. Миллий гвардия тизимидаги психологлар учун амалий фаолиятда зарур бўладиган методик қўлланмалар яратиш ва уларни китоб тарзида, электрон ёки мобиль илова шаклида кўпайтириб, тарқатиш даркор. Ушбу илмий-оммабоп адабиётлар, материал ва манбалар жойларда аҳоли ҳамда мутахассисларнинг психологик саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда психологик хизматни ривожлантириш борасида мустақилликдан сўнг муайян вазифалар бажарилган бўлса-да, сўнгги икки-уч йилда соҳа таракқиёти учун мисли кўрилмаган даражада ишлар амалга оширилди, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида нисбатан қисқа вақт ичида психологик хизматни амалга оширувчи мутахассис – психолог оммавий ва нуфузли касблардан бирига айланмоқда. Психолог – айна кунда жамият эҳтиёжларини қондиришда, шахснинг ақлий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган янги касбий фаолият турларидан ҳисобланади.

Хуллас, амалиётда психолог мутахассисларга нисбатан талаб, эҳтиёжнинг ошиб бориши, улар касбий фаолияти қамровининг кенгайиши психологлар ва умуман, психологик хизматга, шу жумладан Миллий гвардия тизимидаги психологик хизматга доир методик, ташкилий-бошқарув мазмунидаги масалалар, муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 18.11.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш., 2020 йил 18 ноябрь, ЎРҚ-647-сон URL: <https://lex.uz/docs/5128310>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.

3. Шоумаров Ғ.Б., Қодиров У.Д. Миллий гвардия қўшинларида психологик хизматни такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти томонидан “Психологик хизмат фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида ташкиллаштирилган республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент 2021 йил 23 апрель.

4. Шоумаров Ғ.Б., Қодиров У.Д. Шарқона оила психологияси. Миллий гвардия таркибидаги ўқув-тарбия муассасалари ўқитувчилари ва тарбиячилари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2022.
5. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Услубий қўлланма. Тошкент: Bookmany Print, 2023. – 282 б.
6. Жиноятчи шахсининг вербал ва новербал психодиагностикаси ва уни ўрганиш методикаси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
7. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. –Т.: «Наврўз» нашриёти, 2018. - 344 б.
8. Немов Р.С. Психологическое консультирование. —528 с., М.: Юрайт, 2013. - 576 с.
9. Нишанова З.Т. Психологик хизмат: Ўқув қўлланма. Т.: Yangi yul Poligraph service, 2007. – 158 б.
10. G‘oziyev E.G‘. Oliy ta’limda psixologik xizmat. – Т.: O‘qituvchi, 2002. – 95 б.